

Қуролли тўқнашувларда халқаро ҳуқуқ нормаларни бузилиши (Украина, Сурия мисолида)

*Чирчиқ ОТҚМБЮ Гуманитар,
ижтимоий-иқтисодий фанлар ва шахсий
таркиб билан ишларни ташиқллаштириши
кафедраси ўқитувчиси **Норметов Тоҳир***

Украина геополитик манфаатлар тўқнаш келган Европа мамлакати ҳисобланиб бир-бирига қарама-қарши Европа иттифоқига қўшилмоқчи бўлган ва сепаратчилар(айирмачилар) бўлган иккала томон ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларини поймол қилганлигини кўришимиз мумкин.

Хусусан: Украина чегараларини дахлсизлиги, ҳудудий яхлитлиги принципи бузилиб, Қрим ҳудудлари Россия томонидан Аннекция қилинди ва жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмаган сайловлар ўтказилиб Россия Федерацияси таркибига қўшиб олинди.

Шу билан бирга Украинанинг чегарасидаги қарама-қаршилиқ Луганск ва Донецкдаги ҳарбий ҳаракатларга ташқи кучлар ва давлатлар аралашаётганлигини кузатишимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида халқаро ҳуқуқ нормаларини Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг 2- моддаси 7- бўлимида акс эттирилган ва 1970 йилдаги Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларация, Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Яқунловчи ҳужжати, давлатларнинг ички ишларига аралашашига йўл қўйиб бўлмастик, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Резолюцияси каби халқаро ҳужжатлар қўпол равишда бузилаётганлигини кузатишимиз мумкин. [1]

Украина ҳукумати томонидан аҳоли яшайдиган манзилгоҳларни ўққа тутилиши ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларига, яъни Гаага ва Женева конвенцияси қоидаларига зид эканлигини кўраимиз. [2; 4]

Украина Қуролли Кучлари томонидан Донецк ва Луганск сепаратчиларига нисбатан олиб бораётган ҳарбий ҳаракатларида тинч аҳоли яшайдиган пунктларга қўлланилиши таъқиқланган оммавий артиллерия қуролларидан фойдаланиб, аҳоли яшайдиган пунктлар вайрон қилинмоқда, бу эса ўз навбатида 2015 йил январь ойида имзоланган Минск шартномаси талабларини бузаётганлигини, шу билан бирга 1907 йил 18 октябрда қабул қилинган IV Гаага Конвенцияси **“Қуруқликдаги уруш қонунлари”** ҳамда 12 август 1949 йилдаги **“Уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги IV чи Женева конвенцияси қоидаларини Украина Қуролли Кучлари томонидан қўпол равишда бузганлигидан далолат беради. . [4:5]

Халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилмаслик ва бу ҳуқуқ нормаларини ўз мамлакатлари шахсий манфаатлари йўлида фойдаланаётган ўзининг Геополитик манфаатларини бошқа мамлакатлар суверен тенглиги, чегаралар даҳлсизлиги бошқа мамлакатларни ички ишларига аралашмаслик принципларини четлаб ўтаётганлигини кўрсатишимиз мумкин.

Хусусан Сурия мамлакатадаги бўлаётган ходисалар бунга яққол мисол бўла олади.

АҚШ ва Европа ҳамжамиятига аъзо давлатлар Сурия давлатида инсон ҳуқуқларини қўпол равишда Башар Асад ҳукумати томонидан қўплаб сиёсий қамоқхоналар ва у ерда баъзи маълумотларга кўра 500 мингдан зиёд инсон ўзининг сиёсий қарашлари туфайли қатағон қилинганлиги ҳақидаги маълумотларни рўқач қилиб, Сурия Президенти Башар Асаднинг **“мустабид”** тузумига барҳам беришга чақирдилар. Лекин юқорида қайд этилган маълумотларни исботловчи далиллар шу кунгача кўрсатилган йўқ. Бу каби соҳта айбловларни Ироқ давлати мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Президент Башар Асадга қарши бўлган ўзларини **“Озод Сурия армияси”** деб номланувчи муҳолифатчиларни АҚШ ва Европа ҳамжамияти мамлакатлари томонидан қурол-яроқ ва бошқа воситалар билан таъминлай бошлади.

Бу эса халқаро қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли 12 август 1949 йилдаги Женева Конвенциясига доир 1977 йилда 26 сентябрдаги 1-қўшимча протоколлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларини бир неча бандларини қўпол равишда бузаётганлигидан далолат беради [2;3].

Биринчидан: Мустақил суверен давлатнинг ички ишларига аралаштириш;

Иккинчидан: Унинг ҳудудий яхлитлигига таҳдид солиш;

Учинчидан: Урушаётган томонларни қурол- яроқ билан таъминлаш;

Тўртинчидан: Мамлакатда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бузилиши ҳолатлари қайд этилганлиги.

Суриядаги қуролли можароларда Диний экстремистик ва террорчи ташкилотларни Туркия, Сурия, Ироқ ҳудудларидаги жангарилар тайёрлаш лагерларини молиялаштириш, ҳукумат қўшинларига қарши урушда иштирок этаётганлиги уларни қўшни мамлакат Ироқ ҳудудидан Сурия ҳудудларига бостириб кирганликлари биронта бир халқаро ташкилотни ташвишга солгани йўқ.

Бу эса ўз навбатида 1994 йил 9 декабрдаги 49/60 сонли резолюцияси билан тасдиқланган **“Халқаро терроризмни йўқотиш чоралари тўғрисида”**ги Декларацияси; 1999 йил 9 декабрдаги 51/210 сонли резолюцияси билан тасдиқланган **“Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”**ги халқаро конвенцияси нормалари шахсий манфаатлар йўлида бузилаётганлигидан далолат беради [6;7].

Сурия давлатига худди Ливия давлатидаги каби муҳолифатни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳаводан туриб зарба бериш масаласи Бирлашган Мамлакатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши доирасида муҳокамага қўйилганда, хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари бўлган Россия ва Хитой давлатларининг қарши чиқиши Сурия давлати ички-ишларига хорижий мамлакатларни тўғридан-тўғри аралашувини олдини олди. Лекин билвосита ИШИД халқаро террорчи ташкилотини кимлар молиялаштираётганлиги ҳаммага маълум.

Бу эса хусусан 1999 йил 9 декабрдаги халқаро нормаларни кўпол равишда ва шахсий манфаатлари йўлида бузилишига олиб келмоқда.

Сурия ва Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида кўплаб тинч аҳоли яшайдиган ҳудудлар вайрон қилинди, бу ерларда яшайдиган аҳоли тинч бўлган ҳудудларга хусусан Европа мамлакатлари Германия, Франция, Италия ҳамда Греция ҳудудларига қочоқлар сифатида кўчиб кириб бордилар.

Европа давлатларининг бу ҳолатга муносабатлари ҳар хил бўлди. Ўзлари иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган халқлар уларни қаршилик, норозилик, уруш ва тўпалон билан кутиб олдилар.

Бундай ҳолат нафақат Сурия балки Ироқ, Ливия ва бошқа мамлакатлардан ҳам қочоқлар сони кўпайиб бораётганлигини кўрсатди.

Қочоқлар Европа мамлакатлари томон ҳаракатланар экан, уларнинг бир қисмлари Ўрта ер денгизида халок бўлдилар. Баъзи маълумотларга қараганда уларнинг сони 200 минг кишидан зиёд.

Бир неча Европа давлатлари уларга ёрдам беришдан бош тортдилар. Бу эса ўз навбатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида қочоқлар муаммосини ечишга ёрдам бериш учун Қочоқлар иши бўйича бош Комиссариат Бошқармаси (ҚБКБ) ва 1951 йил 28 июлда қабул қилинган кўптомонлама Қочоқлар мақоми тўғрисида Конвенция талаблари Европа давлатлари томонидан кўпол тарзда бузилди [9].

Сурия ва Ироқдаги Қуроли можаролар натижасида инсоният тарихида жуда юксак эътиборга молик бўлган тарихий обидалар ва шаҳарлар ташқаридан молиялаштирувчи Халқаро террористик ташкилотлар томонидан яқсон қилиб ташланди, ёки яширин йўллар билан ўта ноёб тарихий ёдгорликлар ўғирланиб хусусий коллекциялар эгаларига сотилди бу эса 1954 йил 14 май ойида Гаага шаҳрида қабул қилинган “Қуроли можаролар ҳолатида маданий обидаларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенция, 1970 йилда имзоланган “Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб кетиш, олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзгача беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора- тадбирлар тўғрисида”ги Конвенция, 1972

йилда имзоланган “Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенция талаб ва қоидаларига амал қилмаётганлиги ва кўпол равишда бузилганлигини кўрсатиб турибди [8;11].

Агар Гаага трибунали қоидаларига тўла амал қиладиган бўлсак, кўплаб бугунги кунда АҚШ ва Европа мамлакатлари раҳбарлари Гаага трибунали судига тортишга лойиқ ишларни амалга оширганлар. Худди собиқ Ироқ Президенти Саддам Хусайн ёки Югославия Президенти Слобадан Милошевич каби.

Хозирги кунда Халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя қилган бирор-бир қуролли можароларни кузатмаймиз.

Халқаро ҳуқуқ нормалари Геополитик манфаатлари устун бўлган мамлакатни, табиий бойликлари кўп бўлган кучсиз бир мамлакатлар устидан ўз назоратини ўрната оладиган восита бўлиб қолди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, қуролли можаролар бўлётган ҳудудларда хусусан Сурия, Ироқ, Фаластин, Афғонистон ҳудудларига гегемон давлатлар беминнат ёрдам кўрсатаётганликлари билан оммавий ахборот воситаларида мақтанишни яхши кўрадилар.

Лекин ўша ҳудудлардаги беқарорликларни келтириб чиқарган ўзлари эканлигини унутиб қўймоқдалар. Халқаро ҳуқуқ нормалари ҳар қандай мамлакатни, у катта мамлакатми, у кичик мамлакатми, у қудратли ёки заиф мамлакатми, унинг ҳуқуқларини бирдек ҳимоя қилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 24.10. 1945 й Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави
2. 12.08. 1949 й Женева Конвенцияси.
3. 26. 09. 1977й 1-қўшимча протоки
4. 18.10. 1907й IV Гаага Конвенцияси “Қуруқликдаги уруш қонунлари”
5. 12.08.1949й “Уруш вақтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги IV чи Женева Конвенцияси
6. 9.12.1994й 49/60 сонли резолюцияси билан тасдиқланган “Халқаро терроризмни йўқотиш чоралари тўғрисида”ги Декларация;

7. 9.12.1999 й 51/210 сонли резолюцияси билан тасдиқланган “Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги халқаро конвенция;
8. 14.05.1972 й имзоланган “Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Конвенция;
9. 28.07.1951й қабул қилинган кўптомонлама “Қочоқлар мақоми тўғрисида” ги Конвенция.
10. 14.05.1954 йил ойида Гаага шаҳрида қабул қилинган “Қуролли можаролар ҳолатида маданий обидаларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конвенция;
11. 6.07.1970 йилда имзоланган “Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзгача беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора- тадбирлар тўғрисида”ги Конвенция;